

КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ДЕХКОЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИКБОЛЛАРИ

Авлақулов М.А., Саидов И.Э. (ҚарМIIИ)

Мамлакатимиз мустакилликка эришгандан кейинги йиллар давомида халқ хужалигининг барча соҳаларида туб узгаришлар амалга оширилмокда. Бозор иктисодиётига утишни босқичма-бокич амалга ошириш, етакчи тармоқлар ривожланишини жадаллаштириш аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий омиллиридан булиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бир катор ижобий ишлар амалга оширилмокдаки, улар биричи навбатда мамлакатимиз учун умуммиллий бойлик ҳисобланган сугориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Кашкадарё вилояти мамлакатимизда узининг табиий бойликларининг бисёрлиги, асосий кишлоқ хужалиги экилари ҳисобланган пахта ва галланинг салोकли қисмини етиштириши билан алоҳида уринга эга булган минтақадир. Вилоятимиз жами майдони 2,8 млн. гектар булган ҳудудда жойлашган булиб, шундан 422081 га ерда сугорма деҳқончилик қилиб келинмокда. Бундан ташқари лалмикор ерлар миқдори ҳам 257212 гектарга тенгдир. Ҳозирги кунда кишлоқ хужалигида фойдаланилаётган ерларнинг асосий қисми фермер ва деҳқон хужалиқларига тақсимлаб берилган. Ерга нисбатан мулкчилик шакли вужудга келиши билан унинг унумдорлигини ошириш, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган бир катор тадбирлар ҳам амалга оширилмокда. Аммо сугорма деҳқончиликда сувдан фойдаланиш, уни тугри тақсимлаш каби бир қанча муаммолар мавжудки, уларни зудлик билан ҳал этиш талаб қилинади.

Вилотимиз ҳудуди табиий ва географик жойлашувига қура жанубий арид иқлим зонасига тегишли булганлиги сабабли ирригация ва ерлар мелиорацияси бўйича жуда қўп муаммолар мавжуд.

Сугорма деҳқончилик кишлоқ хужалигида асосий уриндалиги, сугориладиган ҳудудлар табиий шароитининг хилма-хиллиги, ҳар хил функционал даражадаги сув ресурсларини

бошқаришнинг коникарсизлиги эътиборга олинса, бу муаммо янада чуқурлашади. Тупрок унумдорлиги, ернинг сифати ва экологик муаммоларнинг чуқурлашувига ерлар шурланиши, сизот сувлари ва ер усти сув манбаларининг ифлосланиши сабаб булмокда.

Ушбу муаммолар хар бир минтакада хар хил куринишда кечади. Юкори зонада сув эрозияси, адирлар куйи кисмидаги ерларни сув босиши кузатилса, урта минтакада сугориш тармоклари техник холати пастлиги туфайли сизот сувлари ва дарё сувлари сифати пасайиши доимо сакланиб туради.

Куйи минтакада эса экологик ва мелиоратив мухит сувнинг сифатсизлиги ва унинг камлиги, кичик нишаблилик окибатида сизот сувлари табиий чикиб кета олмаслиги ва окибатда уларнинг ер юзига якин жойлашиши туфайли жуда хам калтис вазиятни юзага келтиради. Шундай минтакаларга чул ва сахро зонасида жойлашган, катта микдордаги шурхоклар мавжуд булган Карши чулидаги Тудакул ва Чарогил ва Денгизкул, паст текисликлари мисол була олади.

Кургокчил иклим шароитида сугориладиган майдонлар шурланишининг доимий манбаи булиб, дарё сувлари таркибидаги эриган тузлар хисобланади.

Ер усти сув манбаидан фойдаланиш даражасининг усишига караб тупрок ва унинг пастки катламларида тузлар йигилиши жараёни оша боради. Бу жараён хозирги пайтда хам айрим худудларда кузатилмокда.

Далаларни сугориш тупрокда тузлар харакатини юзага келтиради. Чунки берилган сувнинг 80% га якин кисми бугланиши окибатида унинг таркибидаги тузлар тупрокда йигила бошлайди. Доимий ва уз вактида сугориш окибатида тузлар тупрокнинг пастки катламларига хам тушиб боради.

Шурланган ерларни узлаштириш техник ва иктисодий жихатдан хам энг кийин ва куп вакт талаб килувчи жараён хисобланади. Бундай ерларни узлаштиришнинг давомийлиги ва самаралилиги жуда куп омилларга боглик булиб, улар тузлар тури ва химиявий таркиби, гидрогеологик, тупрок-мелиоратив шароит, сугориш технологияси, агротехника ва бошкалардир.

Хозирги шароитда шурланган ерларни узлаштиришнинг асосий воситаси – шур ювишдир. Аммо шур ювиш самарадорлиги сизот сувлари сатхи ва минерализацияси, катлам калинлиги ва бошка омилларга бевосита богликлигини хисобга олсак, шур

ювишни алохида тадбир эмас, балки шурланган тупрокларни комплекс узлаштиришнинг бир унсури деб караш мумкин.

Айникса хозирги техника ва сув танкислиги шароитида ва дренаж тизимларининг талабга жавоб бермайдиган ҳолатида куп микдордаги сув узок ушлаб туриш оркали шур ювиш камдан кам холларда ишлатилмокда. Хозирги шароитдан келиб чиккан холда шурланган ерларни узлаштиришнинг энг кулай, арзон ва самарали усуллари куллаш мақсадга мувофикдир.

Экинлар ҳосилдорлигига таъсир этувчи омиллардан яна бири-тупрокда гипс катламининг ҳосил булишидир. Бу катлам усимлик илдизининг пастки катламларга утишига ва унинг нормал ривожланишига тускинлик килади. Шунинг учун ҳам гипс катламининг ҳосил булмаслиги, улар мавжуд булган жойларда эса шу катламни бузиб ташлашга кодир булганагротехник тадбирларни куллаш зарур.

Вилоятимиз сугориладиган ерларининг бир кисми тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашганлиги туфайли сув эрозияси ва унга карши кураш тадбирларини куллашни такозо этади.

Куйи туманларимизда эса шамол эрозиясига учраган ерлар талайгина булиб, бу жараён айникса кейинги икки йилда вужудга келган сув танкислиги шароитида жадал кечмокда. Мавжуд ихота дарахтзорларни саклаб қолиш ва янги полосаларни ҳосил қилиш билан биз устки катламдан олиб кетилувчи минг тонналаб унумдор тупрокларни саклаб қолишимиз мумкин.

Ердан фойдаланиш самародорлиги ер майдонларини микдор жихатдан ҳисобга олиш, уларни маълум маъмурий ҳудудлар, бирликлар, тоифалар, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳамда ер турларининг табиий мелиоратив ҳужалик ҳолатини ҳар томонлама яхшилашга ҳам бевосита боғлиқдир. Бу борада Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ходимлари олдида ҳам ушбу тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишдек муҳим муаммолар турибди.